

Росулуллоҳнинг сув ичиш ҳолатларини баён қилгувчи боб

باب ما جاء في صفة شرب رسول الله صلى الله عليه وسلم

[Ўзбекча – Uzbeking –]
[الإوزبكي]

Абу Ийсо Мухаммад ибн Ийсо ат-Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

باب ما جاء في صفة شرب رسول الله صلى الله عليه وسلم

«باللغة الأوزبكية»

ترجمة: عبد الله شريف

مراجعة: شمس الدين درغاني

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين، والصلوة والسلام على سيدنا محمد، وعلى آله وصحبه أجمعين أما بعد

Бу “шамоили мұхаммадия”дан бўлаётган дарсимиznинг ўн бешинчи қисми бўлиб бу дарсимида битта бобни дарс қиласиз иншааллоҳ.

32(باب ما جاء في صفة شرب رسول الله وفيه 10) أحاديث

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сув ичиш ҳолатларини баён қилгувчи боб

Бу бобда имом Термизий ўнта ҳадис ривоят қиладилар.

206 - حدثنا احمد بن منيع ثنا هشيم حدثنا عاصم الاحول ومغيرة عن الشعبي عن ابن عباس
رضي الله عنهمَا أَنَّ النَّبِيَّ شَرَبَ مِنْ زَمْزَمَ وَهُوَ قَائِمٌ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам тик турган ҳолда замзам ичганлар.

207 - حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا محمد بن جعفر عن حسين المعلم عن عمرو بن شعيب عن أبيه
عن جده قال رأيت رسول الله يشرب قائماً وقاعداً

Амр ибн Шуайб оталаридан, у киши боболаридан ривоят қилиб айтадиларки: Мен Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни, тик турган ҳолда ҳам, ўлтирган ҳолда ҳам, сув ичганларини кўрганман.

208 - حدثنا علي بن حجر قال حدثنا ابن المبارك عن عاصم الأحول عن الشعبي عن ابن عباس
رضي الله عنهمَا قال سقيت النبي من زمزم فشرب وهو قائماً

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: Мен Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга замзам тақдим қилдим, у зот тик турган ҳолда ичдилар.

209 - حدثنا أبو كريب محمد بن العلاء ومحمد بن طريف الكوفي قالا أَنَّبَانَا إِبْرَاهِيمَ
الأَعْمَشَ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ مَيْسِرَةَ عَنْ النَّازَالِ بْنِ سَبِيرَةَ قَالَ أَتَى عَلَيْ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بَكْوَزَ مِنْ مَاءِ

وهو في الرحمة فأخذ منه كفا فغسل يديه ومضمض واستنشق ومسح وجهه وذراعيه ورأسه ثم
شرب منه وهو قائمه ثم قال هذا وضعه من لم يحدث هكذا رأيت رسول الله فعل

Ал-Назол ибн Сабурадан ривоят қилинади айтадиларки: Али розияллоху анхуга раҳбада бўлганларида, бир кўзада сув келтирилди. У зот ундан бир ҳовуч сув олиб, икки қўлларини ювдилар, кейин оғиз ва бурунни чайқаб, юзларига, икки билакларига ва бошларига масҳ тортдилар. Сўнг тик турган ҳолда у сувдан ичиб, манабу, таҳоратини бузмаган кишининг таҳоратидир. Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни шундай қилганларини кўрганман. -дедилар.

Изоҳ: Бу ҳадисларни ҳаммасини уламолар иснодлари саҳиҳ. -деб ҳукм қиласидилар. Саҳиҳ ва ҳасан ҳадислар шаръий далил бўлиб, уларнинг маъно ва мазмунлари тақозосига биноан аҳкомлар олинади. Бу ҳадисларни саҳиҳ деган эътибор билан баъзи уламолар тик туриб, сув ичиши жоизлигини маълум қиласидилар. Лекин бошқа саҳиҳ ҳадисларда эса тик туриб ичишидан қайтарувлар келганлиги учун, кўпчилик уламолар ўрталарида қаттиқ мунозаралар бўлиб ўтган, чунки тик турган ҳолда сув ичишидан қайтарган ҳадислар ҳам саҳиҳ бўлиб, рухсат берган ҳадислар ҳам саҳиҳдир. Имом Саражсий “Усул фиқҳ” китобларида айтадиларки: “шариатда бир-бираға зиддиятлик топилиши асло мумкин эмас, мабодо манашуңдай ҳол топилгудай бўлса, у фаҳмимизнинг қосурлигидандир”. Шунинг учун уламолар айтадиларки: Толиби илм агар бир ҳадисни ўқиб, унинг саҳиҳлигини билиб, ундаги аҳкомни ҳам тўғри тушуниб етса, дарҳол унга ҳукм бермасин ва унинг тақозосига кўра амал қилишига шошимасин, балки уламоларнинг бу ҳадис устида қилган ижтиҳодларига боқсин, чунки улар ҳадисни атрофлича ўрганиб чиқиб, иложи борича ҳадисларни ҳаммасини жам қилишига уринадилар. Агар жам қилиши имкони бўлмаса, насх қилишига киришиадилар. Бу ишлар улардан улкан илмий изланишиларни талаб қиласиди ва бундай масалаларни ижтиҳод даржасига етган уламоларгина уddyалай оладилар. Тик туриб сув ичиши масаласи ҳам уламоларнинг фикр-зикларини ўзига жалб қилиб, ўрталарида катта мунозараларни пайдо қилган, илмий изланишиларга сабаб бўлган чигал масалалар жумласидандир. Уламоларнинг бир тоифалари тик туриб ичишига бутунлай рухсат берсалар, бир тоифалари мутлоқ манъ қиласидилар ва яна бошқалари эса бу борада ривоят қилинган ва бизнинг назаримизда қарама қарши бўлган ҳадисларни жам қилишига уринганлар. Бу масалада ҳам манашуңдай жам қилишига ҳаракат қилган уламоларнинг сўзларидан Қистиллони раҳимаҳуллоҳ баъзиларини келтириб айтадиларки: “Тик туриб ичиши жоиз, қайтарувдан бўлган мақсад эса макруҳ танзиҳийдир, яъни тик туриб ичиши ҳаром бўлмай балки макруҳдир, ёки тик туриб ичиши Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга хосдир, ёки замзам ичилгандагина рухсатдир, ёки ўлтириб ичиши, тик туриб ичишидан афзалроқдир, ваҳоказо”. Валлоҳу аълам.

Раҳбанинг маъноси эса кенг жой ёки масжиднинг саҳнасидир. Бу ҳадисдаги Раҳбадан мурод Куфа диёридаги Имом Али розияллоҳу анхунинг маъруза қилиб турадиган масжидларининг саҳнаси бўлган.-дейдилар Қистиллони раҳимаҳуллоҳ.

Мулла Али қори бу охирги ҳадиснинг шарҳида айтадиларки: “Бундаги таҳоратдан мақсад шаръий таҳорат эмас, балки тозаликдир. Чунки шаръий таҳоратнинг ўзига яраша шарт-шурутлари бор. Сўнг таҳоратдан ортган сувни ичиши мустаҳабдир”. – дейдилар.

210 - حدثنا قتيبة بن سعيد ويوسف بن حماد قالا حدثنا عبد الوارث بن سعيد عن أبي عصام عن أنس بن مالك رضي الله عنه أن النبي كان يتنفس في الإناء ثلاثة إذا شرب ويقول هو أمرى وأروى

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам қачон сув иссалар учга бўлиб нафас олиб ичар эдилар ва Бундай ичиш баданга тезроқ сингиб, чанқоқни ҳам тез бартараф қиласди. –дер эдилар.

Изоҳ: Уламолар бу ишишларини таърифида шундай марҳамат қиласдилар: “Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам агар сув иссалар, аввало Оллоҳнинг номини ёдга олардилар, сўнг бир ҳўплам ичиб, идишини оғизларидан ўироқ тутиб, алҳамдуллаҳ дер эдилар, кейин яна сув ичиб, шу тариқани уч бор тақрорлар эдилар”.

Яъни Пайғамбар алайҳиссалом нафасларини сувга чиқармас эканлар. Шунингдек овқатлансалар ҳам, овқатни совутии учун пуфламас эдилар. Уламолар шу ҳадислар мазмунидан келиб чиқиб, сувга, овқатга нафас чиқарииш, ёки пуфлаши макруҳдир.-дейдилар. Валлоҳу аълам.

211 - حدثنا علي بن خشrum حدثنا عيسى بن يونس عن رشدين بن كريب عن أبيه عن ابن عباس
رضي الله عنهمما أن النبي كان إذا شرب تنفس مرتين

Бу ҳадис ибн Аббос розиллоҳу анҳумодан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар алайҳиссалом агар иссалар, икки марта нафас олардилар.

Изоҳ: Бу ҳадиснинг мазмуни ҳам аввалги ҳадиснинг мазмуни билан бир хил, фақат бунда уч эмас, икки бор нафас чиқарардилар дейилди. Лекин уламолар бу ҳадисни заиф, далилликка ярамайди. –деб. Аввалигини эса ҳасан яъни ҳужжат қилишига лойиқ - дейдилар. Шу билан икки ҳадис ўртасидаги қарама-қаршилик бартараф қилинди.

212 - حدثنا ابن أبي عمر ثنا سفيان عن يؤيد بن يزيد بن جابر عن عبد الرحمن بن أبي عمرة عن جدته كبشة قالت دخل على رسول الله فشرب من قربة معلقة قائما فقمت إلى فيها فقطعته

Абдурраҳмон ибн аби Амра бувилари Кабшадан ривоят қиласдилар, у аёл айтадиларки: Росулуллоҳу саллаллоҳу алайҳи васаллам мени уйимга кириб осиғлик мешдан тик турган ҳолда сув ичдилар, мен дарҳол мешнинг олдига бориб унинг оғзини кесиб олдим.

Изоҳ: Имом Нававий Имом Муслимнинг “саҳиҳ”ларини шарҳ қилган китобларида, шу ҳадисга келгандаридан, шундай деган эканлар: “Бу аёл мешнинг оғзини кесишларидан иккита мақсадлари бўлган: Бирни Пайғамбар алайҳиссаломнинг оғизлари теккан жойни, ҳар ким ушлаб, тегишидан авайлаши ва асраши бўлса, иккинчиси эса Пайғамбар саллаллоҳу

алайҳи васалламнинг муборак оғизлари теккан жойни табаррук ва дардларга шифо бўлиши ниятида кесиб олганлар”.

213 - حدثنا محمد بن بشار ثنا عبد الرحمن بن مهدي ثنا عزرة بن ثابت الأنباري عن ثمامة بن عبد الله قال كان انس بن مالك يتنفس في الإناء ثلاثة و زعم انس أن النبي كان يتنفس في الإناء ثلاثة

Сумома ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади айтадиларки: Анас ибн Молик идишда уч бор нафас олар эдилар, сўнг Анас Пайғамбар алайҳиссалом идишда уч марта нафас олардилар. –дер эдилар.

Изоҳ: Яъни аввалги ҳадисларда айтиб ўтилганидек нафас олишидан мақсад нафасни чиқарииш бўлиб, идиини оғиздан узоқ тутиб нафас чиқарилади, чунки сувга, ёки овқатга оғиздан, ҳамда бурундан чиқадиган нафас тушишилиги макруҳdir.

214 - حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن حدثنا أبو عاصم عن أبي جريح عن عبد الكريم عن البراء بن زيد ابن ابنة انس بن مالك عن انس بن مالك أن النبي دخل عن أم سليم وقربة معلقة فشرب من فم القربة وهو قائم فقامت أم سليم إلى رأس القربة فقطعتها

Яна Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Сулайм розияллоҳу анхонинг уйларига кирдилар, бир меш осиглик турарди. Пайғамбар алайҳиссалом тик турган ҳолда у мешдан сув ичдилар. Умму Сулайм дарҳол мешга бориб унинг оғзини кесиб олдилар.

Изоҳ: Уламолар бу ҳадиснинг исходини заиф ва бу ҳодиса Кабша розияллоҳу анҳо билан бўлғанлиги ҳақиқатга яқинроқ. Чунки Кабшадан ривоят қилинган ҳадиснинг исходи сахиҳdir -дейдилар.

215 - حدثنا احمد بن نصر النيسابوري حدثنا إسحاق بن محمد الفروي حدثتنا عبيدة بنت نائل عن عائشة بنت سعد بن أبي وقاص عن أبيها ان النبي كان يشرب قائما

Оиша бинту Саъд бин аби Ваққос оталаридан ривоят қиласидилар у зот айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам тик туриб сув ичган эдилар.

Изоҳ: Уламолар бу ҳадисни истоди заиф дейдилар, лекин шу маънода саҳиҳ ҳадислар аввалда ўтиб, уларнинг мазмун маънолари билан баҳоли қудрат танишидик. Дарсиз охирида Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтиб, бизларга ҳар ишларда ҳақиқатни билдиришишини сўраб қоламиз!

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين